


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 8 январь, № 6 (5173) Шанба


# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР, СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

***Мамлакатимизда мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар мисолида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва афзалликларига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Зеро, кичик корхоналар бозор иқтисодиётига мослашувчан бўлиб, талабдан келиб чиққан ҳолда, йўналишини тезда ўзгартириш, энг муҳими, бир пайтда кўплаб янги иш жойлари очиш имконини беради.***

**2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**



Шу боис юртимизда ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада илғор технологик ускуналар билан жиҳозланган замонавий корхоналар сони тобора кўпайиб бораётир. Бундай ишлаб чиқариш субъектлари биргина 2010 йилнинг 9 ойида 3,1 фоизга ошгани, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса йил якунлари бўйича қарийб 53 фоизга етиши кутилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Ваҳолонки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди.

Пойтахтимиздаги “Angeline Cosmetics” Ўзбекистон — Польша қўшма корхонаси ўтган йили ўз фаолиятини бошлаган эди. Кичик бизнес соҳасига қаратилаётган эътибор, берилаётган имтиёзлар самарасини мазкур корхона мисолида яққол кўриш мумкин. Гап шундаки, бу ерда анча мураккаб ишлаб чиқариш — атир-совун ва парфюмерия моллари тайёрлаш ўзлаштирилди.

— Корхонани ташкил этишда мамлакатимизда яратилган қулай инвестициявий муҳит, айниқса, давлатимиз томонидан биз, тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар қўл келди, — дейди қўшма корхона бош директори Фарҳод Юсуфохунов. — Чет эллик ҳамкорларимиз кўмагида жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган технологик линияларни олиб келиб, жуда қисқа фурсатда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Натижада 16 нафар киши иш билан таъминланди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***ФАРҒОНА. Янги йилнинг дастлабки кунларида Қўқон шаҳридаги “Имано Групп” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида 5 турдаги пойабзал тайёрлаш ўзлаштирилди.***

### 2,3 миллиард сўмлик пойабзал

Натижада бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ортиб, ўнлаб янги иш ўринлари яратилди.

Айтиш керакки, корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сифатига юқори эътибор қаратилаётганлиги боис, ички бозорда тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили бу ерда 70 минг жуфтдан зиёд, яъни 2,3 миллиард сўмлик пойабзал ишлаб чиқарилди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***НАВОИЙ. Нурота туманидаги Иззатулла Бобоқулов раҳбарлик қилаётган “Иззат” фермер хўжалиги жамоаси ўз фаолиятини кенгайтириб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технологик линияни ишга туширди.***

### Фаолият кенгайди, даромад кўпайди

Ҳозир 8 та қўшимча иш ўрни яратилган корхонада кунига салкам бир тоннага яқин маҳсулот тайёрланиб, ҳудуддаги мактаблар ва болалар боғчаларига етказиб берилмоқда.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***САМАРҚАНД. Пахтачи туманидаги “Алишер” фермер хўжалиги қошида ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги технологик линия ишга туширилди.***

### Фермернинг ғишт заводи

Бунинг учун хўжаликнинг 151,1 минг АҚШ долларилик маблағи ҳамда банкнинг 9,9 минг АҚШ долларилик кредитидан самарали фойдаланилди.

Ҳозир 20 киши меҳнат қилаётган корхонада йилига икки миллион донагача сифатли деворбоп материаллар тайёрлаш имконияти мавжуд.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***АНДИЖОН. “Ҳамкорбанк”нинг 250 миллион сўмлик кредити эвазига Олтинкўл туманида бўз ва чит маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Абдумалик сўнмас орзуси” хусусий корхонаси ташкил этилди.***

### Олтинкўлнинг бежирим матолари

Хорижнинг замонавий технологиялари билан жиҳозланган ушбу корхонада дастлабки 15 миллион сўмлик мато тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

Айтиш керакки, “Ҳамкорбанк” томонидан ўтган йилнинг 11 ойида 974 нафар тадбиркорга 29,5 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Шунинг ҳисобига 1322 та янги иш ўрни яратилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Беруний туманилик тадбиркор Бозорбой Машарипов туман марказидаги қаровсиз ётган бинони 27 миллион сўмлик маблағ эвазига мукаммал таъмирлаб, гўштни қайта ишлайдиган ҳамда қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган корхонага айлантирди.***

### Илғор технологиялар — ишлаб чиқаришга

Энг илғор технологиялар ўрнатилган мазкур “Шоббозлик Бозорбой уста” масъулияти чекланган жамияти аҳоли дастурхонига 24 миллион сўмлик дастлабки маҳсулотларини етказиб берди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Бугунги кунда юртимизда ёшларнинг билим олиши ва ҳунар эгаллашлари учун барча шарт-шароитни яратиш билан бирга, шу йўналишда амалий ишлар изчил олиб борилмоқда.***

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

**ёшларнинг ишбилармонлик қобилияти салоҳиятининг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда**

**Таҳлил**

Айтайлик, поёнига етган йилда ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мунтазам янгилаб бориш, уларни тизимли равишда замонавий компьютерлар, лаборатория ускуналари ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш учун Молия вазирлиги ҳузурида махсус жамғарма ташкил этилиб, унга 315 миллиард сўм миқдорида маблағ жалб қилинган эди. Жорий йилда эса мазкур жамғармага 370 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилаяпти. Демак, бу каби эзгу ишлар изчил давом эттирилади.

Албатта, бундай эътибор ва ғамхўрлик республикамиз аҳолисининг қарийб ярмидан кўпроғини ташкил этаётган ёш авлодни мамлакатимизнинг эртанги куни, тараққиёти йўлида ғайрат билан меҳнат қилишга ундамоқда. Зеро, ёшлик — инсон умрининг энг шижоатли даври. Келажагини ўйлаган ҳар бир киши бу даврда ўқиб-ўрганишга, бирор бир касб ёки ҳунарнинг этагидан тутиб, унинг самарасидан ўзини ҳам, эл-юртни ҳам баҳраманд этишга интилади.

Қувонарлиси, бугун шижоатли, интилувчан, ташаббускор ёшларни кўриб, ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Улар бундай фазилатлари билан нафақат жамиятда ўз ўрнини топмоқдалар, балки мамлакатимиз довруғини дунё бўйлаб ёймоқдалар. Жумладан, марғилонлик миллий кандакор уста Алишер Мадалиевнинг ноёб асарлари қатор хориж давлатларида қизиқувчилар томонидан харид қилинаётган бўлса, яна бир ҳунарманд Анвар Назаров эса сомондан ясалган миниатюра, манзара каби жанрлардаги ишлари билан кўплаб халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Навоийлик ёш тадбиркор Елена Галимова раҳбарлик қилаётган “Inter Farm” корхонасида тайёрланаётган 100 турдан ортиқ идора, ошхона ва меҳмонхона мебеллари сифати бўйича чет эл маҳсулотлари билан бемалол рақобатлашмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, кейинги пайтларда мамлакатимиз иқтисодиётида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ёшларимизнинг фаоллиги сезиларли даражада ошди. Уларнинг сафи касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битирган ёш мутахассислар ҳисобига кенгайиб бораётгани, айниқса, эътиборга моликдир.

Шулардан бири — сирдарёлик ёш тадбиркор Маъмура Жамолова. У раҳбарлик қилаётган “Оққуш қўшиғи” хусусий корхонасида тикилаётган либослар бежиримлиги билан алоҳида ажралиб туради.

— Аҳиллик маҳалласида оиламизни моҳир тикувчилар сифатида яхши билишади, — дейди тадбиркор биз билан суҳбатда. — Тадбиркорлик фаолиятимда Оқолтин тумани иқтисодиёт коллежида олган билимларим асқотаётган бўлса, шогирдларимга бичиш-тикиш сирларини ўргатишда кўп йиллик тажрибам қўл келмоқда.

Яна бир ёш тадбиркор — зоминлик Отабек Эргашевнинг фаолияти ҳам бошқаларга ўрнак бўлгулик.

— Зомин тумани қишлоқ хўжалиги ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежини тамомлаганман, — дейди у. — Биласиз, ҳозирги кунда республикамизда фермерлик ҳаракати жадал ривожланиб бормоқда. Шу боис тадбиркорлик фаолиятимни

(Давоми 2-бетда).

# ОСУДА ҲАЁТИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

***Давлатимиз раҳбари 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларнинг “ўзбек модели” халқимизнинг турмуш фаровонлиги юксалиши ҳамда юртимизнинг барқарор ривожланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Албатта, давлатимизнинг бундай ютуқларга эришишида профессионал, бугунги замон талаблари даражасида шаклланган Қуролли Кучларимизнинг ҳам аҳамияти беқиёсдир.***

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

Чунки миллий армиямиз юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати ҳисобланади. Бу мамлакатимиз Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, унда қайд этилишича, “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади”.

Дарҳақиқат, ҳар бир давлат мустақиллигини, аввало, ушбу мамлакат армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қилиши керак. Шу боис истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимиз мудофааси давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб олинди. Чунончи, 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январь куни эса мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим қадам қўйилди — мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган мазкур ҳужжат мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва минтақада келиб чиқаётган хавф-хатарларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилишига йўл очди.

Айтиш керакки, Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш унинг ҳуқуқий асосини яратиш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунлари, мамлакатимиз Мудофаа доктринаси қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди. Ушбу ҳужжатлар жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлаш ва давлат хавфсизлигини таъминлашда ҳаётий зарурат касб этди.

Ўтган давр мобайнида барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Пировардида Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди. Армиямиз сафларини тўлдириш такомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгилангани, муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг жорий этилгани Қуролли Кучларимизнинг қиёфасини, унинг жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартирди.

(Давоми 2-бетда).

***Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларида ўз хизмат бурчини ўтаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини қўшалоқ байрам сифатида нишонлайдиган бўлишди.***

## Ватан ҳимоячилари ижтимоий муҳофазада

Гап шундаки, Бухоро шаҳрида улар учун янги тўрт қаватли уй фойдаланишга топширилди. Шаҳарнинг кўркам мавзеларидан бирида барпо этилган мазкур тураржой биносида улар учун барча қулайликлар яратилган, хоналари кенг ва шинам. Кўркам иморат атрофидаги спорт майдончаси болажонлар ихтиёрида.

— Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли, хусусан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилишга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда, — дейди майор Шуҳрат Расулов. — Мана, биз ҳам уч хонали уй соҳиби бўлдик. Бундан жуда ҳам хурсандмиз. Яратиб берилаётган шундай беқиёс шарт-шароитларга муносиб бўлиб, зиммамиздаги ишончни оқлашга ҳаракат қилаверамиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Касаначилик:**

## ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТ САМАРАСИ

***Хоразм вилоятининг Хива туманидаги Эски Қиёт қишлоғида бундан икки йил аввал Касаначиликни ривожлантириш маркази фаолияти йўлга қўйилган эди.***

**Фармон ва ижро**

Ҳозир бу ерда 245 нафар киши, шу жумладан, 227 нафар аёл ўзига маъқул бўлган юмуш билан шуғулланаяпти. Марказ раҳбари Дилором Қутлиеванинг айтишича, улар томонидан ўндан ортиқ турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаяпти. Бежирим кийим-кечаклар, зардўзлик буюмлари, гиламлар, нон ва нон маҳсулотлари шулар жумласидандир.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу жамоа учун ҳам айни муддао бўлди. Негаки, ушбу ҳужжат асосида иш билан банд бўлмаган аҳолининг муайян қисми ишлаб чиқаришга, фойдали меҳнатга жалб этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## АҲОЛИ БАНДЛИГИ ДАРАЖАСИ ОШМОҚДА

***2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимиз бўйича***

**784,9 мингта янги иш ўрни яратилди.**

Мазкур иш ўринларининг катта қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасида ташкил этилгани қувонарлидир.

# ОСУДА ҲАЁТИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Энг муҳими, Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилишда, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг минтақада ва дунёда тутган геостратегик ҳамда геосиёсий ўрнини, хавфсизлигимизга қарши қаратилган жиддий таҳдид ва хатарларни, айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик каби замонавий таҳдидлар ҳисобга олинган ҳолда иш тутилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Ватан ҳимоячиларига йўллаган табригида бир қатор вазифаларга тўхталиб, Қуролли Кучларимиз қисмларининг сафарбарликка доимий равишда тайёрлиги ва ҳаракатчанлигини, уларнинг юз бериши мумкин бўлган турли таҳдид ва хавф-хатарларни, чегараларимиз дахлсизлиги, фуқароларимизнинг тинч-осойишта меҳнати ва ҳаётини бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз уринишларни ўз вақтида ва самарали бартараф этиш қобилиятини таъминлашга алоҳида урғу берган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳам ўз фаолиятида Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар, соҳага оид қонунларнинг жойлардаги ижросини изчил назорат қилиб бормоқда. Хусусан, яқинда "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12 — 17-моддаларининг ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашга доир талабларининг Наманган вилоятидаги ижроси назорат-таҳлил тартибида ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, бугун ёшларни Қуролли Кучлар сафидаги хизматга тайёрлаш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш ва Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилаётир. Жумладан, бу борада Наманган вилоятида биргина 2010/2011 ўқув йилининг ўзида умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг 79469 нафар ўқувчиси чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича машғулотларга жалб қилинганлигини қайд этиш ўринлидир.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган қўшма мажлисда бўлажак аскарларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлик даражаси юқори савияда бўлиши лозимлигини эътиборга олиб, ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг ўқиш ва тураржойлари бўйича даволаш-профилактика ишларини янада яхшилаш, умумтаълим ва жисмоний тайёргарлик сифатини ошириш, ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришга интилишни ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Умуман, мазкур Қонуннинг бошқа ҳудудлардаги ижроси ҳам таҳлил этилганда, профессионал, ҳар томонлама мустаҳкам Қуролли Кучларни шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилаётгани аниқланди.

Бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки, миллий армиямизни нафақат замонавий техника, қурол-яроғлар билан таъминлаш, балки уни жисмонан бақувват, маънан етук ёшлар билан тўлдиришнинг мукаммал тизими яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билим юртлари, барча имкониятларга эга ҳарбий қисмларимизни, ҳар томонлама етук, жасур ва сергак посбон йигитларимиз азму шижоатини кўрганимизда, кўнгилларимиз фахр-ифтихорга тўлади. Зотан, Ватанига, халқига садоқатли офицер ва аскарлардан ташкил топган профессионал миллий армиямиз юртимиз мустақиллигининг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир.

**Ю. ТУРСУНБАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

**ёшларнинг ишбилармонлик қобилияти салоҳиятининг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда**

(Давоми. Боши 1-бетда).

чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига зооветеринария хизматини кўрсатишдан бошладим. Зарур ускуналарни харид қилиш учун эса банкдан 3 миллион 750 минг сўмлик кредит олдим. Бу ўз самарасини бермоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришда молия муассасалари ҳам ўз маблағ ва хизматлари билан муносиб иштирок этаётгани диққатга сазовордир. Бунда, табиийки, респубикамизда банк-молия тизимини такомиллаштириш, уларнинг хизмат турларини замон талаблари даражасига кўтариш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар муҳим омил бўлаётир.

Айниқса, Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги Фармони ёшларимизнинг ишбилармонлик қобилиятини янада юксалтиришда, янги-янги маҳсулот турларини ўзлаштиришда, пировардида мамлакат иқтисодиётида хусусий мулк улушини кўпайтиришда алоҳида аҳамият касб этаяпти.

Барака — ҳаракатда, дейишади. Зотан, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари аҳолининг даромад манбаини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Жорий йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бундай саъй-ҳаракатлар натижаси ёрқинроқ намоён бўлиши, шубҳасиз.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Инсон ҳуқуқлари маданиятининг шаклланиши: тажриба ва истиқбол" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ҳамда қўмиталар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, илмий жамоатчилик, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, ҳуқуқий маданиятга боғлиқлиги таъкидланган эди. Шу маънода, бугун мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ҳамда маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишга жиддий эътибор қаратилаётир. Зотан, ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши, фуқароларда қонунга ҳурмат туйғусининг янада ортишига хизмат қилади.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари И. Саифназаров, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ривожлантириш жараёнида инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга юксак эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Ва бу нафақат мамлакат жамоатчилиги орасида, балки хорижий давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ва экспертлар доираси, халқаро ташкилотлар вакиллари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилаётганлиги айтиб ўтилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, фуқароларнинг манфаатларини қонуний таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Бу эса, ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида муайян тизим шаклланганидан далолат беради. Айни пайтда ҳуқуқий мавзуга оид махсус газеталар ва журналларнинг нашр этилаётгани, тадбир иштирокчилари таъкидлаганларидек, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда муҳим омил бўлаётир.

Шунингдек, конференцияда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш соҳасида олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш ва бу борада мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир фикр-мулоҳазалар билдирилди ҳамда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

**Ватан ҳимояси – муқаддас бурч**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1994 йилда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг ташкил этилиши Ватанимиз ҳарбий салоҳиятини оширишда, миллий армиямизни замонавий ҳарбий мутахассисликка эга кадрлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

# САМО ЛОЧИНЛАРИ МАКТАБИ

Билим юртида ҳаво ҳужумига қарши мудофаа ва ҳаво кучлари қўшинлари учун замонавий мутахассислар тайёрланади. Илк само лочинлари билим юртини 1997 йилда битириб чиққан эди. Ўтган даврда бу ерда таҳсил олган ҳарбий мутахассислар Ватанимиз миллий авиацияси тарихини яратмоқда. Улар ўз билим ва маҳоратини, Ватанга садоқатини бевосита жанговар ҳаракатларда ҳам намойиш этди.

Айни пайтда билим юртида миллий армиямизнинг ҳаво ҳужумига қарши мудофаа ва ҳарбий ҳаво кучлари учун вертолёт авиацияси тактик қўмондон-учувчиси, учиш аппаратлари ва двигателлари тактик муҳандиси, авиация қуроллари тактик муҳандиси, авиация жиҳозлари ҳамда электрон жиҳозлар тактик муҳандислари тайёрланмоқда. Бундай мутахассисликларни эгаллашни орзу қилган ёшлар эса жуда кўп. Шунинг учун мазкур билим юрти мамлакатимиздаги энг нуфузли олий ҳарбий ўқув юртлари сирасига киради.

Миллий армиямизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида билим юртида замонавий мутахассислар тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилди. Билим юртининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, ўқув бинолари, курсантларнинг ётоқхоналари реконструкция қилинди. Ўқув хоналари зарур техника ва тренажёрлар билан жиҳозланди. Дарслар жараёнида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда.

— Биз турли маданий-маърифий тадбирларни ҳам мунтазам ўтказиб турамиз, — дейди билим юрти бошлиғининг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича ўринбосари Шуҳрат Холмуҳаммедов. — Айниқса, уруш ва меҳнат фахрийлари, жанговар ҳаракатларда иштирок этган собиқ битирувчилар билан учрашувларнинг тарбиявий аҳамияти катта бўлмоқда.

**Т. БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАШАББУС БОР ЖОЙДА БАРАКА ҲАМРОҲ

***Юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилидаёқ тадбиркорликка кенг йўл очилганидан руҳланиб, Янгиер шаҳрида "Шодлик — Р" хусусий саноат ва савдо фирмасини ташкил этган эдик. Очиғини айтиш керак, ҳадеганда иш юришавермади. Аста-секин икки қаватли савдо маркази биносини капитал таъмирлаб ишга туширганимиз, кейинги йилларда нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганимиздан сўнг тажрибамиз ортиб, маҳсулот сифатини оширдик.***

Пировардида 1999 — 2001 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун вилоят тадбиркорлари ва ишбилармонлари ўртасида ўтказилган "Ташаббус" кўрик-танловларида ғолибликни қўлга киритиб, тадбирнинг республика босқичида қатнашиш шарафига сазовор бўлдик.

"Даромадга яраша буромад" деганларидек, мавжуд цехларни кенгайтириб, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирдик, қўшимча 10 та иш ўрнини яратдик. Бунинг самараси ўлароқ, якунланган йилда 640 миллион 459 минг сўмликдан зиёдроқ товар айланмасини амалга ошириб, қарийб 48 миллион сўм соф фойда кўрдик. Банкнинг кредити эвазига Россиядан нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги технологиялар олиб келиб ўрнатдик.

Дарҳақиқат, бугун замон — ишлаганники, изланганники бўлиб қолди.

**Дил сўзи**

Бироқ менингча, энди тадбиркор нафақат ишлаб чиқаришда, балки ижтимоий ҳаётда ҳам фаол бўлмоғи лозим. Мени, масалан, 18-Истеъдод сайлов округидан халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашига депутат этиб сайлашган. Шу Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзоси сифатида тижорат банклари томонидан кредит ажратилишини кўпайтириш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан иш олиб боряпман.

Мен раҳбарлик қилаётган мазкур хусусий фирмада ҳомийлик ёрдами кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Кам таъминланган оилалар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 6-сонли мактабгача таълим муассасасига 3 миллион сўмдан зиёд кўмак берилгани шундан далолат беради.

Қаранг, бизнесни ривожлантираман десангиз, марҳамат, банклар ёрдам қўлини чўзаяпти, текшир-текширлар камайиб, солиқ юки йилдан-йилга енгиллашиб бормоқда. Демак, фақат енг шимариб ишлаш керак. Жорий йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланиши эса бизни янада кўпроқ ташаббус кўрсатишга ундайди. Зеро, ташаббус бор жойда барака ҳамиша ҳамроҳингиз бўлади.

**Роза ВАҲОБОВА,**
**«Шуҳрат» медали соҳибаси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Касаначилик мен каби уйда ишлашга ўрганган аёлларга жуда ҳам қўл келмоқда, — дейди Марям Нуржонова. — Корхона томонидан берилган бепул асбоб-ускуна, жиҳозлар ва хом ашёдан фойдаланиб, буюртма асосида кўрпа-тўшак тикаяпман.

Даромадга эга бўлиш билан бирга, иш стажим давом этаяпти. Ишимни оилам билан биргаликда бажараётганим туфайли фарзандларим ҳам бу ҳунаримни пухта ўрганишмоқда.

Жорий йилда марказ фаолиятини янада кенгайтириш ҳисобига касаначилар сонини 400 нафарга етказиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини икки баробарга ошириш мўлжалланмоқда. Бунинг учун лизинг асосида янги технологиялар сотиб олиш тадбирлари белгиланган. Шунингдек, ҳозир жойларда марказнинг 3 та гўзаллик салони ва 3 та новвойхонаси ишлаб турибди.

**Касаначилик:**

# ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТ САМАРАСИ

Дарҳақиқат, Хоразм вилоятида аҳолини иш билан таъминлаш дастурига асосан, касаначиликнинг турли шаклларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2006 йилдан шу кунгача бўлган даврда 14 мингтага яқин касаначилик иш ўрни яратилгани шундан далолат беради. Улар томонидан 1 милиард сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунда кичик саноат корхоналари жамоалари, айниқса, фаоллик кўрсатмоқдалар. Касаначилик меҳнатидан фойдаланган корхона ва ташкилотларда эса белгиланган имтиёзлар натижасида 300 миллион сўмга яқин маблағ тежаб қолинди.

Шунингдек, яқинда вилоят ҳунармандлар уюшмасининг Хива тумани бўлими томонидан 35 нафарга яқин ҳунармандга касаначилик бўйича фаолият юритиши учун имконият яратиб берилгач, 21 турдаги ҳунармандчилик буюмлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Урганч шаҳри, Хива, Гурлан, Боғот туманларидаги касаначилар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар сифатлилиги, пишиқ-пухталиги, бежиримлиги билан кўзни қувонтиради. Зеро, касаначилик бугунги кунда Хоразм вилояти саноатида сердаромад тармоқлардан бирига айланиб улгурган. Касаначилик фаолияти аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётгани, айниқса, эътиборлидир.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР, СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда бу ерда юқори унумли ва тежамкор ускуналар ёрдамида соатига 300 килограмм атирсовун тайёрланаяпти. Мижозлар талабидан келиб чиққан ҳолда, 80 ва 150 граммли 13 хил совун бежирим қилиб қадоқланаётир. Шунингдек, меҳмонхоналар учун 10 ва 15 граммли совунлар, кўплаб турдаги аёллар атири ва упаэликлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Энг муҳими, маҳсулотлар сифати жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайди. Шунинг учун унга бўлган талаб ой сайин ошиб бораётир. Айтайлик, ўтган йили харидорларга ойига 30 тонна маҳсулот етказиб берилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 60 тоннага етказиш ниятида мавжуд имкониятлар ишга солинаяпти.

Таъкидлаш кераки, бу ерда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бир неча истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилиши режалаштирилган. Уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши билан янги-янги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилади. Яна бир муҳим томони, 50 та янги иш ўрни яратилади.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**СУРАТЛАРДА:** корхона ҳаётидан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

***Маълумки, давлат мулкини хусусийлаштириш мамлакатимиз иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, мулкдорлар синфини кенгайтириш ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнга, айниқса, мулкдан оқилона фойдалана оладиган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этадиган тадбиркорларни жалб қилиш ҳамда ишончли инвесторларни топиш муваффақиятлар омилидир.***

# МАҚСАДЛИ САРМОЯЛАР ВА МАСЪУЛИЯТ

"Қашқадарётранс" уюшмасига қарашли қурилиши тугалланмаган "Троллейбус депоси" биносининг инвестор — "Қарширадиатор" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасига инвестиция мажбурияти эвазига бепул берилишида мазкур талабларга қатъий риоя қилинганлиги бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Инвестор томонидан ушбу объектга 480 миллион сўм миқдорида инвестиция киритилиб, радиаторларнинг совитиш трубкасини ясаш ускунаси ўрнатилди.

— Бизда Навоий кон-металлургия комбинатининг махсус техникалари ва хорижда ишлаб чиқарилган комбайнлар учун радиаторлар тайёрланади, — дейди корхона раҳбари Райим Қодиров. — Бундан ташқари, 2009 йилдан бошлаб "Мерседес-Бенц", "Бею-Бёрт" автобуслари, "Ҳундай" микроавтобуси, "Форд-Карго" русумли юк машинаси ҳамда "Коматцу" бульдозерлари учун ҳам радиаторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Асосий хом ашё — латунни "Ўзметкомбинат"дан олаётганимиз бунда жуда қўл келмоқда.

— Давлат тасарруфидан чиқарилаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш натижасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани қувонарлидир, — дейди Давлат мулки қўмитасининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Мустафхон Султонов. — Мисол учун, Қарши шаҳридаги "Қурилишларни жамлаш трестлараро бошқармаси" давлат корхонасининг 100 фоиз давлат улуши инвестор — Қарши шаҳар "Саноат сервис маркази" хусусий корхонасига 220 миллион сўм инвестиция киритиш мажбурияти билан бепул берилган эди. Инвестор томонидан мазкур объектга муддатидан олдин 358,3 миллион сўм миқдоридаги сармоя киритилиб, эндиликда бу ерда турли ўлчамдаги ғовакли томёпқичлар, пойдевор блоклари, блок ғишт ва бошқа қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

**Ислоҳот**

Бошқармамиз Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси билан ҳамкорликда белгиланган инвестициявий мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиб бормоқда. Президентимизнинг 2007 йил 20 июлдаги "2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, объектлардаги инвестициявий мажбуриятлар тўлиқ бажарилиб, фаолият тури йўлга қўйилгандан кейин инвесторларга мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби жорий этилган. Инвесторлар корхона ва объектларни хусусийлаштиришда ўз зиммасига олган мажбуриятни белгиланган муддатда бажармаса, тузилган олди-сотди шартномалари бекор қилиниши ҳамда кейинчалик улар бошқа хусусий мулкдорларга сотилиши белгиланган.

Мазкур қарор асосида вилоятда паст рентабелли, иқтисодий ночор ва зарар билан ишлаётган 77 та корхона ҳамда объект инвесторларга 6 миллиард 733 миллион сўм ва 958,3 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ киритиш шарти билан бепул берилди. Айни пайтда мазкур корхоналарнинг аксариятига инвесторлар томонидан 7 миллиард 809,5 миллион сўм ва бир миллион 152,2 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя йўналтирилди.

Таъкидлаш керакки, киритилаётган сармоялар нафақат корхоналарни қайта тиклаб, ишлаб чиқариш имкониятини оширмоқда, балки уй-жой муаммоларини ҳал этишга ҳам хизмат қилаяпти. Жумладан, вилоят ҳокимлиги Қарши шаҳридаги инжиниринг компаниясига қарашли 40 хонадонга мўлжалланган қурилиши тугалланмаган тураржой биносини "Вилкоопкуртаъминот" масъулияти чекланган жамияти инвестиция киритиш мажбурияти билан танлов асосида бепул олган эди. Бу жамият томонидан сармоянинг ўз вақтида киритилиши ҳамда аниқ мақсад сари ишлатилгани туфайли 4 қаватли замонавий уй қад ростлади.

Кўриниб турибдики, инвестиция иқтисодий тараққиётни кафолатлаш баробарида, аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришда ҳам муҳим омил бўлаётир.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонига асосан ташкил этилган “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки қисқа вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётганларнинг, фермерларнинг яқин ҳамкорига айланди. Мазкур молия муассасаси томонидан ажратилаётган мақсадли сармоялар жойларда янги корхоналарнинг очилишига, ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишига, янги иш ўринлари яратилиб, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга хизмат қилмоқда.***

***Бу борада Самарқанд вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилаётир. Ўтган йилнинг ўн бир ойи давомида “Микрокредитбанк” ОАТБнинг вилоят амалиёт бўлими ва унинг жойлардаги филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 13,5 миллиард сўм маблағ ажратилгани, шунинг 5,9 миллиард сўми имтиёзли микромолиявий хизмат кўрсатишга йўналтирилгани ёрқин далилидир.***



## «Микрокредитбанк»:

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

### Фаровонликка йўналтирилаётган маблағлар

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти, — дейди “Микрокредитбанк” ОАТБ Самарқанд вилояти филиали бошқарувчиси Олим Баҳриев. — Шу боис ҳам иқтисодиётимизда ушбу секторнинг улуши, иштироки тобора ошиб бораяпти. Конституциямиз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда Юртбошимиз 2011 йилни мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилишни таклиф этди. Республикамизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида ўртага ташланган ушбу таклиф халқимиз томонидан зўр мамнуният билан қўллаб-қувватланди. Албатта, соҳани тараққий эттириш йўлидаги бундай саъй-ҳаракатлар молия муассасалари зиммасидаги масъулиятни ҳам оширади. Энди банк ходимининг ўрни фақатгина хизмат хонасида эмас. Давр унинг одамлар орасида бўлишини, уларга микрокредитнинг оилавий ҳаётдаги афзалликларини тушунтиришни, узоқ қишлоқлардаги аҳволни ўрганишни, мақсадли сармояларни қаерга, қайси соҳаларга йўналтиришни аниқлашни талаб этаяпти.

Биз бир қатор халқаро ташкилотлар, жамғармалар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бу ҳам банкка мурожаат қилганларнинг талаб-истагини қондириш, уларга зарур маблағларни етказиб бериш борасидаги имкониятларимизни оширмоқда. Жумладан, Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва нобюджет ташкилотлари маблағларининг жалб этилаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлаяпти. Ана шу маблағлар ҳозирги кунда, асосан, микрокредит, молиявий лизинг, микролизинг, чорвачилик ва истеъмол кредитлари йўналишларига сарфланаяпти. Масалан, республикамиз ҳукумати ва Халқаро Тараққиёт уюшмаси ўртасида 2008 йил 8 октябрда имзоланган келишув-битимга кўра, мазкур уюшма маблағлари ҳисобига қишлоқ хўжалик корхоналарига лизинг асосида техникалар олиб бериш йўлга қўйилди. 2010 йилдан “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки ва Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилди. Ушбу йўналишда олиб борилаётган тадбирлар натижасида банкнинг барча молиявий манбалари ҳисобидан 765 нафар мижозга бир миллиард 503,9 миллион сўм миқдорида кредитлар берилди. Жумладан, якка тартибдаги аёл тадбиркорларга 346,1 миллион сўм, асосан, аёллар меҳнатидан фойдаланиладиган микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликларига 1206,8 миллион сўм ажратилди.

Бундан ташқари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими каби бир қанча муассасалар билан ҳам доимий ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Бу эса жойларда, хусусан, қишлоқларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга микрокредитлар ажратишни тўғри йўлга қўйишга, хотин-қизлар, ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаяпти.

Қисқаси, бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўшишдек эзгу мақсадларга қаратилган.

### Хотин-қизлар бандлиги – устувор вазифа

Президентимизнинг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш билан бирга, уларнинг бандлигини таъминлаш энг муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган. Мазкур Фармон ижроси юзасидан банк филиали вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Масалан, барча ҳудудларда туман хотин-қизлар қўмиталари билан биргаликда тадбиркор аёллар учун семинарлар ўтказилди. Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинларида маҳалла раислари иштирокида иш билан банд бўлмаган аёлларга банкнинг имтиёзли кредитлари тўғрисида тушунчалар берилди.

● *Ана шундай амалий ишлар натижасида барча молиялаш манбалари ҳисобидан қарийб 1000 нафар тадбиркор аёл банкнинг 1832 миллион сўмлик имтиёзли микрокредитларидан баҳраманд бўлди. Натижада 1392 та янги иш ўрни яратилди. Жумладан, Нурobod тумани “Тим” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи 15 дан ортиқ, Пахтачи тумани “Қарнаб” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи 20 дан зиёд хотин-қизлар банк кредитлари асосида тикувчилик, зардўзлик, чорвачилик ва гиламдўзлик каби соҳаларни йўлга қўйиб, ҳамқишлоқлари учун ўнлаб янги иш ўринлари яратишди.*

Ҳудудий жиҳатдан вилоятда салмоқли ўринни эгаллаган Нуробод туманининг аксарият қисми чўл бўлганлиги боис қишлоқлари анча тарқоқ жойлашган. Шунинг учун ҳам бу ерда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ўзи бўлмайди. Узоқ қишлоқларга ичимлик суви, табиий газ келтириш, йўллар қуриш катта куч ва салоҳият талаб этади.

— Чўл шароитида аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга йўналтириш, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифалар бор, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Нодира Ботирова. — Сабаби, туман марказидан 100 километрдан олис масофада жойлашган қишлоқларимиз мавжуд. Уларда биргина чорвачиликни ривожлантириш билан мақсадга эришиб бўлмайди. Якка тартибда тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки бирор-бир йўналишда кичик корхона ташкил этиш, бунинг учун етарли маблағ топиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Аммо қувонарли томони шундаки, бундай муаммоларни бартараф этиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш борасида мамлакатимизда барча имкониятлар мавжуд. Юртбошимиз томонидан шу мақсадга қаратилган қатор Фармон ва қарорлар қабул қилингани, уларнинг ижросини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганлиги фикримиз тасдиғидир. Бу борада банклар билан ҳамкорликни йўлга қўйганимиз амалда ўз самараларини бераяпти. Масалан, ўтган йилнинг ўзида биргина “Микрокредитбанк” вилоят филиали томонидан туманимизда 40 нафар тадбиркор аёлга якка тартибдаги тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида 40 миллион сўмлик имтиёзли микрокредит ажратилди. Шу ҳисобдан 180 та янги иш ўрни яратилди.

Банк сармоясидан баҳраманд бўлган тадбиркорлардан бири Насиба Мардонова Нурбулоқ қишлоғида тикувчиликни йўлга қўйиб, 12 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади. Тим қишлоғида яшовчи Сарвиноз Бобомуродова ҳам банк микрокредити эвазига якка тартибда меҳнат фаолиятини ташкил этиб, бир нечта қишлоқ қизларига тикувчиликни ўргата бошлади. “Сазағон” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият юритувчи “Йигитали” кичик корхонасида банк сармоялари гиламчиликни ривожлантиришга хизмат қилаяпти.

Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Лекин асосийси, янги иш ўринлари яратилаётгани, аёлларимизнинг ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилаётганидир. Туманимизда бу борадаги ишларни янада яхшилаш мақсадида банклар билан ҳамкорликни бундан кейин ҳам давом эттирамиз.



### «Мулкдорлар сафидаман»

— Тадбиркорликни яқиндагина бошладим, — дейди Жомбой туманидаги “Чиял парранда” хусусий паррандачилик корхонаси раҳбари Гулчеҳра Бобомирзаева. — Корхонага туман ҳокимлиги томонидан ер ажратиб берилгач, парранда парваришлаш учун барча талабларга жавоб берадиган бино қурдик. Уни жиҳозлаш, замонавий ускуналар ўрнатиш мақсадида ўтган йилнинг май ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган “Uzbekistan Agrominitech Expo — 2010” кўргазма савдосида қатнашдим. Бу ерда мутахассислар ёрдамида энг қулай ускуналарни танладим ва сотиб олдим.

Ҳамма ташкилий ишлар якунига етгач, “Микрокредитбанк”нинг Булунғур филиалига мурожаат қилдим. Чунки товуқ сотиб олиш учун банк кўмагига эҳтиёжим бор эди. Молия муассасаси вакиллари бизнес-режам билан танишиш асносида товуқхона ва унинг жиҳозларини ҳам кўздан кечиришди. Ва қисқа вақтда менга икки йил муддатга 14,5 миллион сўм миқдорида микрокредит ажратишди. Шундан сўнг Самарқанд туманидаги “Оҳалик-Ломанн парранда” Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасидан банк маблағлари ҳисобига 1000 та, ўз маблағим эвазига яна 200 та, жами 1200 та жўжа сотиб олдим.

Қарангки, кучайтирилган рацион асосида озиқлантириш натижасида ёш товуқларнинг бир қисми ҳеч қанча вақт ўтмай тухумга кирди. Мутахассисларнинг фикрича, яна бир ойга қолмай уларнинг 95 фоизи маҳсулот бера бошлайди. Бу ҳар куни 1000 донадан ортиқ, бир ойда 30 мингдан кўпроқ тухум етиштирамиз, дегани. Бозорда эса бир дона тухум 200 сўм атрофида.

Паррандачиликни бежизга етти хазинанинг бири, дейишмайди. Президентимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган эътибори, “Микрокредитбанк”нинг ана шу шарт-шароитдан келиб чиқиб бизга берган кўмаги туфайли бугун мен ҳам мулкдорлар сафига қўшилдим. Яна тўрт нафар кишини иш билан таъминладим. Ҳисоб-китобларимиз банк кредитини муддатидан аввал узиш имкониятимиз борлигини кўрсатаяпти. Кредитларни узгач, банк билан ҳамкорликни яна давом эттириш, унинг сармоясидан фойдаланиш ниятидаман. Негаки, мақсадим ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришдир.

● *Банк вилоят амалиёт бўлими ва унинг туман филиаллари томонидан ўтган йилнинг ўн бир ойи мобайнида паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни йўлга қўйиш мақсадида 221 миллион сўм микрокредит ажратилди. Жумладан, паррандачилик учун 30 нафар тадбиркор 143 миллион сўм, асаларичилик учун 9 нафар тадбиркор 33 миллион сўм, балиқчилик учун 5 нафар тадбиркор 45 миллион сўм имтиёзли сармояга эга бўлди.*

### Асалари – кони фойда

Тайлоқлик тадбиркор Хайрулло Жўрақулов тумандаги “Ҳикматилло — Амрилло” деҳқон хўжалиги қарамоғида асаларичиликни йўлга қўйди. У биринчи мавсумдаёқ олинган фойда ҳисобидан битта тиркама харид қилди.

— Дастлабки сармояни тиркама учун сарфлашимнинг сабаби, асалариларни бир жойда парвариш қилиб бўлмайди, — дейди у. — Эрта баҳордан то кеч кузга қадар тоғларда, чўлларда асалариларимиз бол йиғади. Бунинг учун, албатта, тиркама бўлиши керак.

Ишни 2009 йили “Микрокредитбанк”нинг 7 миллион сўмлик кредити билан бошлаган эдим. Ана шу маблағга 50 уя асалари, 30 та қути ва жиҳозлар сотиб олдим.

Асаларичиликда бир ярим йил икки мавсум ҳисобланади. Мен биринчи мавсумда ҳар уя асаларидан ўртача 20 килограммдан асал олдим. Бозорда асалнинг бир килограмми 15-20 минг сўм. Олинадиган даромад банк кредитларини муддатидан аввал тўлаш имкониятини беради. Кейин молия муассасаси билан ҳамкорликни яна давом эттираман. Мақсадим, иккинчи мавсумнинг ўзидаёқ асалари уяларини 100 тага етказиш. Ўтган мавсумни Бахмал, Усмат томонларда ўтказган эдим. Бу йил ҳам айнан шу жойларни мўлжаллаб турибман.

Ота-боболаримиз асаларичиликни ҳам етти хазинанинг бири дейишган. Бу хазинани очиш учун, энг аввало, одамда қизиқиш, иштиёқ бўлиши лозим. Мамлакатимизда мазкур соҳани ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани ниҳоятда қувонарлидир. Биз, тадбиркорлар айнан шундай имкониятлардан тўғри фойдалана билсаккина, соҳа ривожига ҳисса қўша оламиз.

● *“Баркамол авлод йили” Давлат дастури, давлатимиз раҳбарининг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан ўтган йилда 384 та оилага 1491 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун 108 та ёш оилага 789,2 миллион сўм кредит берилди ва улар ҳисобидан 539 та янги иш ўрни очилди.*

*Шунингдек, ёш оилалар хонадонларига ўзимизда ишлаб чиқарилган уй жиҳозларини сотиб олишлари учун 661,8 миллион сўм истеъмол кредитлари ажратилди.*

### Рағбат шижоатга бошлайди

“Микрокредитбанк”нинг вилоят филиали “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ва “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази билан доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Барча касб-ҳунар коллежларида биргаликда семинарлар ва бошқа тадбирларнинг ўтказилиши ўғил-қизларимизни тадбиркорликка жалб этишда муҳим аҳамият касб этаяпти. Қувончли томони, банк микрокредитлари ҳисобидан коллежлар битирувчилари тадбиркорликни йўлга қўйишаяпти.

● *“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларидан бири, “Business to Business” хусусий корхонаси раҳбари М. Сатторова корхонаси қошидаги ўқув марказига банк филиалининг 15 миллион сўмлик кредити эвазига замонавий компьютер мажмуи ва махсус жиҳозлар сотиб олди. Бугунги кунда вилоят ёшлари ушбу ўқув марказида замонавий бизнес турларидан, дунё янгиликларидан хабардор бўлиб, ўзларининг билимларини оширишмоқда.*

— Хонадонимизга мебель сотиб олиш учун “Микрокредитбанк”нинг Ургут филиалига мурожаат қилган эдим, — дейди Ургут туманининг Юқори Тегана қишлоғида истиқомат қилувчи ёш оила бошлиғи Шерзод Орипов. — Банкдагилар керакли ҳужжатларни қисқа вақтда расмийлаштириб, уй жиҳозлари сотиб олиш учун 3,1 миллион сўм истеъмол кредити ажратишди. Мамлакатимизда биз, ёшлар учун ана шундай қулайликларнинг яратилганидан, банк хизматининг кўнгилдагидек йўлга қўйилганидан беҳад хурсандмиз.

2010 йилда вилоятда ўтказилган “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” кўрик-танлови ҳам банк ва ёшлар ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик натижаси бўлди. Унда 3 нафар ёш тадбиркор танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Уларнинг таъминот масаласида муаммога дуч келмаслиги мақсадида банк филиали томонидан ҳар бирига жисмоний шахслар кафолати асосида микросармоялар ажратилди.

● *Ургут туманидаги “Ургут Баржуш суви” хусусий корхонасига салқин ичимликлар ишлаб чиқариш учун 18 миллион сўм, “Қуёшли узумзор” фермер хўжалиги ва “Махманов Ҳайдарали” фирмасига асаларичиликни ривожлантириш учун 10 миллион сўмдан, “Эркин Шомурод Хислатбек” хусусий корхонасига мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 7 миллион сўм имтиёзли кредитлар берилиб, уларда 18 та янги иш ўрни яратилди.*

### Амалий ишлар натижаси

Президентимизнинг “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар натижаси жойларда кўплаб янги иш ўринларининг яратилишига ҳам хизмат қилмоқда. Жумладан, Каттақўрғон туманидаги “Жавлон Сафар сервис” хусусий корхонасига ширинликлар ишлаб чиқариш учун 17,6 миллион сўм, Нарпай туманидаги “Саид Эшмонов” хусусий корхонасига қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун 20 миллион сўм микдорида микрокредит ажратилди. Мазкур тумандаги “Нарпай Комил Мурод” хусусий корхонаси қурилиш материаллари тайёрлаш мақсадида банкнинг 18 миллион сўм миқдоридаги сармоясидан фойдаланди.

● *Ўтган йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган хўжалик субъектларига 735,1 миллион сўм кредит берилди.*

● *Тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларига ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сервис хизмати кўрсатиш мақсадида 3,5 миллиард сўмлик замонавий минитехнология, техника ва ихчам ускуналар лизинг хизматлари ҳисобидан етказиб берилди. Жумладан, Самарқанд туманидаги “Агро интер Сиёвуш” МЧЖга ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида замонавий ускуналар олиш учун йиллик 5 фоиз устама билан 63,4 миллион сўм микролизинг хизмати кўрсатилди.*

● *Ўзбекистон Республикаси билан Халқаро Тараққиёт уюшмаси ўртасида 2008 йил 8 октябрда имзоланган келишув-битимга кўра, “Қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш II босқич” кредит линияси орқали 2010 йилда Пастдарғом, Пайариқ, Нарпай, Самарқанд туманлари ҳудудларида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг 20 тасига қишлоқ хўжалик техникалари олиб берилди ҳамда боғдорчилик учун кредитлар ажратилди.*

● *Бугунгача ушбу хорижий кредит линияси орқали 1363 миллион сўм маблағ олинди. Ана шу маблағнинг 945 миллион сўми Пастдарғом туманидаги фермерларга 15 та янги тракторлар ажратишга сарфланди.*

### Ўзингда бўлганига нима етсин...

— Даламизда янги — “МТЗ-1025” трактори пайдо бўлди, — дейди Пастдарғом туманидаги “Орифжон МК Бексарой Саройобод” фермер хўжалиги раҳбари Мурод Казаков. — Плуги ҳам бор. Хўжалигимиз аъзолари техникага эгалик қилганимиздан хурсанд. Энди ер ҳайдаш ва бошқа юмушлар учун муқобил машина-трактор паркидан техника сўрашга ҳожат йўқ.

73 гектар еримиз бор. Унинг 57,8 гектари деҳқончиликда фойдаланиладиган, суғориладиган майдон. Шу пайтга қадар иккита тракторимиз бор эди. Улардан ўғит ва ҳосил ташишда, ғўза қатор ораларига ишлов бериш юмушларида фойдаланардик. Шудгор қилиш учун эса бошқалардан техника сўрашга мажбур эдик. Тўғриси, қўлимиз бир оз калталик қилиб, ҳайдов трактори масаласида қийналиб келаётгандик.

Ўтган йилнинг февраль ойида “Микрокредитбанк”нинг Жума филиалига бу ҳақда мурожаат қилдик. Улар бизга лизинг хизматини таклиф этишди. Қарангки, банк орқали халқаро Тараққиёт уюшмасининг 63 миллион сўм сармояси ҳисобига тракторли бўлдик. Ишларимиз янада юришиб кетди. Ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам ошди. Масалан, ўтган йилнинг ўзида давлатга 135 тонна ғалла сотиб, шартномавий режани ортиғи билан уддаладик. Омборимизда 100 тонна атрофида дон қолди. Режадаги 65 тонна ўрнига 70 тонна пахта тайёрладик. Йил якуни бўйича 78 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олдик.

Бундай эзгу саъй-ҳаракатларни “Микрокредитбанк” ОАТБнинг вилоятдаги барча филиалларида, минибанкларида кузатиш мумкин. Улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг, фермерлик ҳамда касаначилик ҳаракатининг янада ривожланиб боришига кўмак бераяпти. Молия муассасаси томонидан ажратилаётган сармоялар эса юртимиз тараққиётига, аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**А. САТТОРОВ.** t

***Давлатимиз раҳбари БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида ўтган қарийб йигирма йил мобайнида мамлакатимизда одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошганлигини таъкидлаб ўтди.***

***Бу юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлаш, шунингдек, кекса авлод вакилларига эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самара бераётганининг амалий ифодасидир.***

# ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 250 нафардан зиёд юз ёшдан ошган нуронийлар истиқомат қилади. Ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликлардан, юртнинг обод-фаровонлигию, осойишталигидан уларнинг кўнгиллари хотиржам, руҳияти тетик.

Қумқўрғон туманидаги Жалойир маҳалласида яшовчи Иқбол момо Менгнорова — уч асрнинг шоҳиди. У яқинда 112 ёшни қарши олди. Кўзлари равшан, хотираси ойдин — 12 ёшидан буён кўрган-кечирганларини яхши эслайди. Турли замонларнинг иссиқ-совуқ гапларидан гурунг бериб, бугунги авлодларга шукроналикдан, собитлик ва собирликдан сабоқ беради.

Сахий табиатнинг яна бир инъомини қарангки, юз ёшдан сўнг милклари тўлишгандай бўлиб, момонинг жағларида тиш ўсиб чиқди. Битта-иккита эмас, ўнта тиш. Барчаси соғлом, бақувват. Фарзандлари, невараларининг дастурхони тўкин. Қўни-қўшниларнинг, қариндошларининг тез-тез йўқлаб туришларидан бениҳоя мамнун.

— Туманимизда 15 мингдан зиёд қария бор, — дейди "Нуроний" жамғармаси туман бўлими раиси Рўзибой Аллаёров. — Уларнинг ҳаммаси эл-юрт эъзозида. Қариялар дуо қилишса, улар шоду хуррам яшасалар, бу бугунги авлоднинг бахти-саодатидан хосиятли нишона.

Бундан бир неча йил олдин хориж матбуотида АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида яшовчи кекса аёл Ретруда Венс 115 ёшни қарши олиб, Гиннеснинг Рекордлар китобига киритилгани хусусида хабар эълон қилинган эди. Бироқ Шўрчи туманидаги Култепа маҳалласида умргузаронлик қилаётган Ойтўра момо Қорабоева ҳақида билган-эшитганлар юқоридаги хабарга ортиқча ҳайрон бўлмасликлари, шубҳасиз. Негаки, Ойтўра момонинг ёши лос-анжелеслик кекса онахонга нисбатан етти поғона улуғ — жорий йилда 123 ёшни тўлдирди.

## Шукроналик

Ойтўра момо сингари улуғ ёшни қарши олганлар бизда камми?! Деновнинг Ҳазорбоғ қишлоғидан Майрам Абдураҳмонова, А. Каримов номли маҳалладан Санам Давлатова, Музработ туманидан Турсуной Сафарова, олтинсойлик Менгсултон Йўлдошева...

Узун туманининг Оқтумшуқ қишлоғидан Қизларой Мамасафарова — иккинчи жаҳон уруши жабрини тортган аёллардан бири. Ўша даврларда белини маҳкам боғлаб қўш ҳайдаган. Қоратоғ ариғини қазишда бошдан адоғига қадар иштирок этган. Кексайганидан сўнг ҳам Қизларой момо бекор ўтирмади. Қўл билан пахта чигитлаб, урчуқ йигирди. Калава бўяб, ўрмак қўйди. Тақири, ўрмаки гиламлар тўқиди. Қизларига, невара-чевараларига хуржун, от учун эгарсоз тайёрлашни, арқон эшишни ўргатди. Летиба, хапама, нозигардон деб ataладиган мунчоқларни тузишдан сабоқ берди.

Қизларой момо ҳали-ҳамон бардам. Кўзлари равшан. Хотираси мунаввар.

— Одамзод эзгу ниятдан, орзуларидан куч олиб яшайди. Қизиқишинтилишлари бунда қанот бўлади, — дейди у. — Сабр-қаноат, шукроналик умрга умр қўшади. Мен ҳамюртларимга ҳамиша яхши ният қилишларини, эртанги кун, албатта, бундан-да фаровон бўлишига ишониб яшашларини тилайман. Ўзимдан қиёс. Қандай машаққатли кунларни бошдан кечирмадик?! Мана, бугун ҳурлик замони. Юртбошимизга раҳмат, элнинг каттаю кичигини бирдек ардоқлаб, уларга ҳиммат, ғамхўрлик кўрсатаяпти. Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч. Омборимиз донга, дастурхонимиз нозу неъматга тўла. Фарзандларимиз билимли, қўлини қаёққа узатса етади. Аллоҳга шукр! Хўш, бундан ортиқ бахт борми дунёда?!

Жарқўрғонлик ёши юздан ошган Саломат Розиқова ўтган йили муҳтарам Президентимиз томонидан "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Бу асли Қизларой Мамасафарова айтгандай, қадриятларимизга, ўзбекона шукроналик ва меҳр-оқибатлилик жавоҳирларига берилган қутлуғ мукофотдир.

— Мамлакатимизда қарияларни қадрлаш, уларга эъзоз-эҳтиром кўрсатиш қадрият даражасига кўтарилган, — дейди республика "Нуроний" жамғармасининг Сурхондарё вилояти бўлими мутахассиси Раҳим Қулмонов. — Жамғармамиз томонидан уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаяпмиз. Саломатликларини тиклаш учун турли сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилаяпти. Республикамизнинг турли шаҳарларига, зиёратгоҳ гўшаларига уюштирилаётган саёҳатлар уларнинг кўнглини кўтаришга хизмат қилмоқда. Қолаверса, ёшлар билан ўтказилаётган суҳбат-мулоқотлар, уч авлод учрашувлари ёшлар таълим-тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Дарҳақиқат, қарияларимизни йўқлаш, уларнинг нурли сиймолари билан мулоқотда бўлиш, давраларнинг тўрига ўтқазиб, саёҳат-зиёратларга таклиф қилиб туриш айни муддао. Муҳими, улар халқимизнинг, давлатимизнинг меҳр-эътибори оғушида. Зеро, қариялар қадрланган юртнинг келажаги буюк бўлади.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «АСАКА» БАНКИ ЯНГИ ХИЗМАТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТДИ

Қулайлик

***"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, мижозларга янги хизматлар кўрсатиш мақсадида миллий валютадаги "Asaka Standard" кредит карталарини муомалага чиқарди.***

Мазкур кредит карталарининг афзал жиҳатлари кўп. Агар сиз унинг эгаси бўлсангиз:

— республикамизда ишлаб чиқарилган товар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловларни, пул маблағингиз бўлмаган тақдирда ҳам, кредит карта орқали амалга оширишингиз мумкин;

— кредит карталарини расмийлаштириш жуда осон бўлиб, кўп ҳужжат талаб қилинмайди. Улардан 1 йилгача бўлган муддатда фойдалана оласиз.

Шу билан бирга, "Асака" банки томонидан "Financial Institutions Online" ва "J.P.Morgan Assess" янги инновацион дастурий маҳсулотлар ҳам жорий этилди. Бунинг натижасида банкнинг вакиллик ҳисоб рақами орқали амалга оширилаётган тўловларни реал вақт режимида назоратга олиш имкони яратилди, жисмоний ва юридик шахслар томонидан хорижий валютадаги тўловлар бўйича вақт сарфини кескин қисқартиришга эришилди.

"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки жамоаси Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида пластик карточкалар орқали амалга ошириладиган тўлов тизимини такомиллаштириш, шунингдек, мижозларга юқори сифатли хизматлар кўрсатишга қаратилган ишлар кўламини бундан буён ҳам кенгайтираверади.

**Банк матбуот хизмати.** t

«ОИВ билан яшовчи одамларни қўллаб-қувватлаш, парвариш қилиш ва даволаш бўйича Марказий Осиёда ўқув марказини ташкил этиш»

лойиҳаси ўқув қўлланмалар нашр қилиш учун танлов эълон қилади.

Танлов ҳужжатларини **konkurs_01@mail.ru** электрон манзилига расмий ёзма мурожаат юбориш орқали олиш мумкин.

Мурожаат қилишнинг сўнгги муддати **2011 йил 18 январь маҳаллий вақт билан соат 18.00 гача.**

Ушбу танлов бўйича батафсил маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
**(+99871) 276-99-26, 276-99-27, 276-99-28,**
**(+99897) 709-78-24 — Ҳакимов Абдуғулом.**

***Навоий шаҳридаги "Боғи Эрам" хусусий корхонаси раҳбари Фазлиддин Хўжаев саъй-ҳаракати билан икки гектар майдонда иссиқхона барпо этилиб, ишга туширилди.***

## «Боғи эрам»нинг сервитамин маҳсулотлари

Туҳфа

Бунинг учун у 250 миллион сўмлик банк кредити ҳамда 250 миллион сўмлик шахсий жамғармасидан самарали фойдаланди.

Иссиқхона жамоаси янги йилнинг илк кунларида аҳоли дастурхонига дастлабки 11 миллион сўмлик сабзавот маҳсулотларини туҳфа этди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО (8 январь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 8-13 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ ўртасида бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 2-7 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий қисмида кечаси 8-13 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 2-7 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ҳарорат тунда 3-5 даража совуқ, кундузи 2-4 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 103. 73619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5